

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Наманган муҳандислик-педагогика
институтини**

Транспорт факультетини

**Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш)
кафедрасини**

«Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси» фанидан

Курс ишини

Бажарди:

32-ТВИТ-09 гуруҳ талабасини

Миразимов Н.

Қабул қилди:

кат.ўқ. М.Азамбаев

НАМАНГАН - 2011 й

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Наманган мухандислик-педагогика
институту**

Транспорт факультети

**Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш
ва таъмирлаш) кафедраси**

«Транспорт воситаларини тузилиши ва назарияси» фанидан
Нексия русумли енгил автомобилнинг тортиш, тезлик ва ёнилғи тежамкорлик
хусусиятлари ҳамда илашиш муфтасининг иш жараёнини ҳисоби
мавзусида бажарган курс иши

ТУШУНТИРУВ ЁЗУВИ

Бажарди:

Н.Миразимов

Рахбар:

кат.ўқ. М.Азамбаев

Ҳимояга рухсат етилган:

Имзо _____

Сана _____

_____ баҳога ҳимоя қилди

Хайъат аъзолари:

доц. А.Полвонов

к. ўқ. т.ф.н. М.Азамбаев

асс. И.Акбаров

НАМАНГАН - 2011 й

«Тасдиқлайман»
**Касб таълими (транспорт
воситаларини ишлатиш ва
таъмирлаш) кафедраси мудири**
_____доц. А. Полвонов
« ____ » _____ 2011 йил

«Транспорт воситаларини тузилиши ва назарияси» фанидан курс ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

1. Курс иши мавзуси **Нексия русумли енгил автомобилнинг тортиш, тезлик ва ёнилғи тежамкорлик хусусиятлари ҳамда илашиш муфтасининг иш жараёнини ҳисоби**

2. Бошланғич маълумотлар: тўла массаси, $m_a = 1404$ кг; максимал юриш тезлиги, $V_{a \max} = 156$ км/с; энг катта баландлиги, $H = 1393$ мм; энг катта эни, $B_1 = 1662$ мм; тирсакли валнинг максимал қувватдаги айланишлар сони, $n_N = 5400$ айл/мин.

3. Адабиёт ва қўлланмалар:

1. Х.М.Маматов, Ю.Т.Турдиев, М.О.Қодирхонов “Автомобиллар конструкцияси ва назарияси асослари”. Т.”Ўқитувчи ” 1982 й.
2. “Краткий автомобильный справочник”. (НИИАТ). М. 1988 .
3. Т.Худайбердиев. “Трактор ва автомобил назарияси ҳамда ҳисоби”. Т. 1984 й.
4. Т. Худайбердиев. “Трактор ва автомобил назарияси масалалар тўплами”. Т. 1987 й.
5. О.М.Қодирхонов. «Автомобилларнинг иш жараёни ва ҳисоби». Т. 2004 й.
6. А.Қамбаров, Б.Қамбаров Ш.Хидиров «Транспорт воситаларини тузилиши ва назарияси» фанидан курс иши бажариш учун услубий кўрсатма. Н. 2008 й.

4. Чизма қисмининг таркиби:

- 1-листда—Двигателнинг ташқи тезлик тавсифномаси ва динамик паспорти
- 2-листда- Автомобилнинг турли узатмаларда ҳаракатланганда етакчи ғилдирагига келтирилган тортиш кучи ва таъсир қилувчи куч ва сафланаётган қувватлар
- 3 – листда – Нексия автомобилнинг механизм қисмларининг ишчи чизмалари

5. Тушунтирув ёзуви қисми.

1. Кириш. 2. Двигател тезкорлик тавсифномасини ҳисоби. 3. Шина танлаш ва ғилдирак радиусини аниқлаш. 4. Куч узатманинг узатиш сонини аниқлаш. 5. Автомобилни тезлигини аниқлаш. 6. Автомобилга таъсир этувчи кучлар. 7. Автомобилнинг динамик омили ва динамик паспортини ҳисоби. 8. Автомобилнинг ёнилғи тежамкорлигини ҳисоби. 9. Механизмни лойиҳалаш ҳисоби. 10. Хулоса. 11. Адабиётлар.

6. Курс ишини бажариш муддати қуйидаги жадвал кўринишда берилган жадвалдаги ҳар бир қисм тушунтирув ёзувидаги 4 та тартиб рақамли лойиҳа асосида бажарилади.

Режада	1-қисм 1,2 бўлим	2-қисм 3,4 бўлим	3-қисм 5,6,7 бўлим	4-қисм 8,9,10 бўлим	Тушунтирув ёзув қисми	Графика қисми	Химоя
	17.03.12	12.04.12	4.05.12	22.05.12	31.05.12	9.06.12	14.06.12
Амалда	19.03.12	12.04.12	7.05.12	22.05.12	31.05.12	9.06.12	14.06.12

Курс ишини бажарувчи:

Н.Миразимов

Раҳбар:

кат.ўқ. М.Азамбаев

Реферат

Курс иши 30-35 варақ тушунтирув ёзуви ва 3 варақ чизма қисмидан иборат.

Тушинтирув ёзуви двигателнинг ташқи тезлик тавсифномасини ҳисоби, шина танлаш ва ғилдирак радиусини аниқлаш, куч узатманинг узатиш сонини аниқлаш, автомобилни турли узатмада ҳаракатланиш тезлигини аниқлаш ва автомобилга таъсир этувчи ҳавонинг қаршилик кучини аниқлаш, ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

График қисмида двигателнинг ташқи тезлик тавсифномаси ва динамик паспорти, автомобилнинг турли узатмаларда ҳаракатланганда етакчи ғилдирагига келтирилган тортиш кучи ва таъсир қилувчи куч ва сафланаётган қувватлар, неқсия автомобилининг механизм қисмларининг ишчи чизмалари бўйича талабанинг ишланмалари келтирилган.

Курс иши двигателнинг ташқи тезлик тавсифномасини ҳисобида тирсакли валнинг айланишлар сонини аниқлаш, тирсакли валнинг исталган айланишлар сони учун двигателнинг унумли қувватини аниқлаш, двигателнинг унумли буровчи моментини аниқлаш ва двигателнинг унумли солиштирма ёнилғи сарфини аниқлаш берилган.

Шина танлаш ва ғилдирак радиусини аниқлаш шина танлаш, етакчи ғилдиракнинг думалаш радиусини аниқлаш берилган.

Куч узатманинг узатиш сонини аниқлашда бош узатманинг узатиш сонини аниқлаш ва узатмалар қутисининг узатиш сонларини аниқлаш ҳисоблари берилган.

Автомобилни турли узатмада ҳаракатланиш тезлигини аниқлашда автомобилни турли узатмада изланаётган ҳаракатланиш тезлиги аниқланган.

Кириш

Республикамизда хозирги вақтда автомобил саноати юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Корея давлатлари билан ташкил етилган ва ЎзДЭУ Авто «Ўзавтосаноат корхоналари, биргаликда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида автомобил заводи ишга туширилди.

Завод ўта замонавий техника билан жихозланган бўлиб, қуввати умумий ҳисобда 200000 автомобил (ўрта синфли *HEXIA* автомобиллари 100000 дона, *TICO* автомобиллари 50000 дона ва *DAMAS* автомобиллари 50000 дона) ишлаб чиқаришга мўлжалланаган.

Завод 1996 йилда 2500 дона, 1997 йилда 125000 дона, 1998 йилда 150000 дона, 1999 йилда 200000 дона автомобил ишлаб, чиқарилди, кейинги йилларда бу заводда *MATIZ* русумли енгил автомобил ишлаб чиқарилмоқда.

1996 йилда Ўзавтосаноат ва Туркиянинг *Kochholding* ташкилотлари билан биргаликда Самарқанд шаҳрида СамКоч авто автомобилсозлик заводи курила бошлади. Завод 1999 март ойида ишга туширилиб, апрель, сентябр ойлари ичида 294 та кичик тоннали дизел двигателли юк автомобили ва 140 та дизел двигателли автобус ишлаб чиқилди. Завод 2000 йили 3000 та автомобил ишлаб чиқарди.

Булардан ташқари республикамизда Россия, Германия, Америка, Япония ва бошқа давлатлардан келтирилган автомобиллар ишлатилмоқда ва саноатнинг турли соҳаларида қўлланилинмоқда.

Автомобилларни ишлатиш (юк ташиш) давомида уларга турли хилдаги эксплуатация омиллари таъсир қилади.

Автомобилларни турли хилдаги йўл шароитлари, иқлим ва ҳаво шароитларида ишлатилганда автомобилларга турли хилдаги кучлар, моментлар таъсир қилади. Шулар сабабли двигателнинг қуввати (N_e), тирсакли валнинг айланишлари сони (n_N), буровчи моменти (M_e), ёниғи сарифи (g_v), автомобилнинг юриш V_a тезлиги, тортиш кучи (P_T), динамик омили (D_a) ва автомобилнинг динамик паспорти ўзгариб туради.

Автомобиллардан унумли ва тежамли фойдаланиш учун юқоридаги омилларнинг ўзгариш чегараларининг аниқлаш ва уларнинг мақбул кўрсаткичлари асосида унумли ва тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Берилган маълумотлар:

Вариант бўйича автомобил: русуми *Нексия*.

Тўла массаси, $m_a = 1404$ кг;

Максимал юриш тезлиги, $V_{a \max} = 156$ км/соат;

Энг катта баландлиги $H = 1393$ мм;

Энг катта эни, $B_1 = 1662$ мм.

1. Двигателнинг ташқи тезлик тавсифномасини ҳисоби ва графиги.

Автомобилнинг қисқа маълумотномаси (НИИАТ) қўлланмасида берилган двигателнинг (N_e) қуввати двигателни махсус қурилмада синаш усули билан аниқланган. Ҳақиқатда автомобил турли хилдаги йўл шароитларнинг қаршиликлари, юкдан ҳосил бўлган қаршиликлар, куч узатмаси механизмларининг қаршиликлари, ҳаво ва йўл қаршиликларини енгиб ҳаракатланади.

Максимал тезликда юриб юқоридаги қаршиликларни енгиш учун автомобил двигателининг максимал қуввати ($N_{e \max}$), максимал қувватга тенг келган тирсакли валининг максимал айланишлар (n_N) сони, соатли ёнилғи (G_{ϵ}) сарфи ва солиштира ёнилғи (g_{ϵ}) сарфларни аниқлаш зарур.

Автомобил максимал тезликда ҳаракатланганда двигателнинг максимал қуввати қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$N_{e \max} = \frac{G_a \cdot f_v \cdot V_{a \max}}{1000 \cdot \eta_{\kappa, y}} + \frac{W \cdot (V_{a \max})^3}{1000 \cdot \eta_{\kappa, y}}, \text{ кВт} \quad (1)$$

бу ерда, G_a - автомобилнинг тўла оғирлиги

$$G_a = m_a \cdot g = 1404 \cdot 9.81 = 13773 \text{ Н};$$

g – кг дан Н га айлантириш коэффиценти, $1 \text{ кг} = 9,81 \text{ Н}$ га тенг

f_v - ғилдиракни ғилдирашга қаршилиқ коэффиценти

Ғилдиракни ғилдирашга қаршилиқ коэффиценти қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$f_v = f_0 \cdot \left(1 + \frac{V_{\max}^2}{1500} \right) = 0,018 \cdot \left(1 + \frac{43,33^2}{1500} \right) = 0,041$$

f_0 – йўл ҳолатини эътиборга олувчи коэффиценти, асфальт йўл учун

$$f_0 = 0,018 \text{ га тенг}$$

W - автомобилнинг суйрилиги,

$$W = K \cdot F, \text{ Н} \cdot \text{с}^2 / \text{м}^4$$

K - ҳаво қаршилигини енгиш коэффиценти:

- енгил автомобил учун $K = 0,20 \dots 0,35$,

- юк автомобили учун $K = 0,60 \dots 0,70$,

- автобус учун $K = 0,24 \dots 0,40$.

F - автомобилнинг кўндаланг кесим юзаси:

енгил автомобиллар учун:

$$F = 0,78 \cdot B_1 \cdot H,$$

бу ерда B_1 -автомобилнинг эни, м

H -автомобилнинг энг катта баландлиги, м

енгил автомобилнинг кўндаланг юзаси:

$$F = 0,78 \cdot B_1 \cdot H = 0,78 \cdot 1,662 \cdot 1,393 = 1,81 \text{ м}^2$$

$$W = K \cdot F = 0,25 \cdot 1,81 = 0,45 \text{ Н} \cdot \text{с}^2/\text{м}^4$$

$$V_{\max} = 156 \cdot 0,277 = 43,33 \text{ м/с}$$

юк автомобили ва автобус учун кўндаланг кесим юзаси:

$$F = B \cdot H, \text{ м}^2$$

бу ерда B -автомобилнинг колеяси, м

$\eta_{к.у}$ -куч узатмасининг Ф.И.К (1-жадвал):

$$\eta_{к.у} = \eta_{м} \cdot \eta_{у.к} \cdot \eta_{кар}^c \cdot \eta_{б.у} = 1 \cdot 0,97 \cdot 0,99^2 \cdot 0,97 = 0,92$$

Куч узатмаси механизмларининг фойдали иш коэффициентлари 1-жадвалдан олинади.

1-жадвал

Механизмлар	Фойдали иш коэффициентлари η_i
Фрикционли муфта;	1,0
Гидравлик муфта;	0,97...0,98
Узатмалар қутиси;	
а) тўғри тишли шестерняли	0,94...0,97
б) қийшиқ тишли шестерняли	0,95...0,98
Карданли узатма	
Кардан вални оғиш бурчаги (рамага нисбатан)	
0-7° бўлганда (енгил автомобил)	0,99
7°-20° бўлганда (юк автомобил ва автобус)	0,98
Бош узатма:	
Якка босқичли,гипоид тишли конус шестерняли узатма.	0,94
Якка босқичли гипоид тишли конус шестерняли узатма	
бир босқичли цилиндр шестерняли узатма.	0,97
Икки босқичли (қўшалок) конус-цилиндр шестерняли узатма.	0,92
	0,97...0,98
Бош узатманинг цилиндрли шестерня жуфти	0,95...0,97
Конус шестерняли жуфти	

$\eta_{м}$ - илашиш муфтасининг Ф.И.К - 1,0

$\eta_{у.к}$ - узатмалар қутисининг Ф.И.К - 0,97

$\eta_{кар}$ - карданли узатманинг Ф.И.К - 0,99

$\eta_{б.у}$ - бош узатманинг Ф.И.К, якка конусли шестерняли асосий узатмада

$\eta_{б.у} = \eta_{к} = 0,95...0,97$, қўшалок асосий узатмада $\eta_{б.у} = \eta_{ц}^a \cdot \eta_{к}^b$

$\eta_{ц}$ - цилиндрли шестернялар жуфтининг Ф.И.К, $\eta_{ц} = 0,97...0,98$ бундан

$\eta_{кон.} = 0,97$ ни оламиз.

a , b -жуфт шестернялар сони, $a=1$, $b=0$, c -кардан крестовиналари сони, $c=2$.

Аниқланган қийматларни (1) ифодани ўрнига қўйиб, автомобил максимал тезликда ҳаракатланганда двигателнинг максимал қувватини аниқлаймиз:

$$N_{evmax} = \frac{13773 \cdot 0,04 \cdot 43,33}{1000 \cdot 0,92} + \frac{0,25 \cdot 1,81 \cdot (43,33)^3}{1000 \cdot 0,92} = 66,07 \text{ кВт}$$

1.2. Тирсакли валнинг айланишлар сонини аниқлаш.

Тезлик тавсифномани куриш учун тирсакли валнинг айланиш сонларини оралиқларни қуйидагича қабул қилинади. Карбюраторли двигателлар учун $n_{мин}=400...1200$ айл/мин, дан $n_{max} = (0,1...1,2) \cdot n_N$ гача 8 та оралиқ қабул қилинади.

Карбюраторли двигател учун $n_1 = n_{мин} = 500$ айл/мин қабул қиламиз қолганлари қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} n_2 &= 0,2 \cdot n_N = 0,2 \cdot 5400 = 1080 \text{ айл/мин} \\ n_3 &= 0,4 \cdot n_N = 0,4 \cdot 5400 = 2160 \text{ айл/мин} \\ n_4 &= 0,6 \cdot n_N = 0,6 \cdot 5400 = 3240 \text{ айл/мин} \\ n_5 &= 0,8 \cdot n_N = 0,8 \cdot 5400 = 4320 \text{ айл/мин} \\ n_6 &= 0,9 \cdot n_N = 0,9 \cdot 5400 = 4860 \text{ айл/мин} \\ n_7 &= 1,0 \cdot n_N = 1,0 \cdot 5400 = 5400 \text{ айл/мин} \\ n_8 &= 1,1 \cdot n_N = 1,1 \cdot 5400 = 5940 \text{ айл/мин} \\ n_9 &= n_{max} = 1,2 \cdot n_N = 1,2 \cdot 5400 = 6480 \text{ айл/мин} \end{aligned}$$

Дизел двигател учун тирсакли валнинг айланишлар сонини $n_{мин}=350...700$ айл/мин дан n_N гача 4 та оралиқ қабул қилинади. Минимал айланишлар сонини $n_1 = n_{мин} = 500$ айл/мин қабул қилинади, қолганлари қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} n_2 &= 0,43 \cdot n_N, \text{ айл/мин} \\ n_3 &= 0,65 \cdot n_N, \text{ айл/мин} \\ n_4 &= 0,86 \cdot n_N, \text{ айл/мин} \\ n_5 &= 1,0 \cdot n_N, \text{ айл/мин} \end{aligned}$$

Аниқланган $N_{етax}$, n_x ва берилган $n_N = 5400$ айл/мин қийматлардан фойдаланиб, $N_{e,x}$, $M_{e,x}$, $G_{e,x}$ ва $g_{e,x}$ нинг қийматларини тирсакли валнинг айланишлар сонини 8 та оралиқлари учун аниқлаб, двигателнинг ташқи тезлик тавсифномаси қурилади.

1.3. Тирсакли валнинг исталган айланишлар сони учун двигателнинг унумли қувватини аниқлаш.

Тирсакли валнинг исталган оралиқдаги айланишлар сониди двигателнинг унумли қуввати қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$N_{ex} = N_{eV \max} \cdot \frac{n_x}{n_N} \cdot \left[a + \epsilon \cdot \frac{n_x}{n_N} - c \cdot \left(\frac{n_x}{n_N} \right)^2 \right], \text{ кВт} \quad (2)$$

бу ерда a , ϵ , c - двигател турларини эътиборга олувчи коэффициентлар:

- карбюраторли двигателлар учун $a=1,0$; $\epsilon=1,0$; $c=1,0$

- дизел двигателлар учун $a=0,87$; $\epsilon=1,13$; $c=1$ га тенгдир.

N_{ex} , n_x - қувват ва тирсакли валнинг айланишлар сонини изланаётган қийматлари

n_N - максимал қувватдаги тирсакли валнинг айланишлар сони, $n_N=5400$ айл/мин.

Аниқланган қийматларни (2) ифодани ўрнига қўйиб, ораликлар учун двигателнинг қувватини аниқланади:

$$N_{e1} = 66,07 \cdot \frac{500}{5400} \cdot \left[1 + \frac{500}{5400} - \left(\frac{500}{5400} \right)^2 \right] = 6,63 \text{ кВт}$$

$$N_{e2} = 66,07 \cdot \frac{1080}{5400} \cdot \left[1 + \frac{1080}{5400} - \left(\frac{1080}{5400} \right)^2 \right] = 15,33 \text{ кВт}$$

$$N_{e3} = 66,07 \cdot \frac{2160}{5400} \cdot \left[1 + \frac{2160}{5400} - \left(\frac{2160}{5400} \right)^2 \right] = 32,77 \text{ кВт}$$

қолган қийматларни юқоридаги келтирилган тартибда ҳисобланади ва олинган натижаларни 2-жадвалга тўлдирилади.

1.4. Двигателнинг унумли буровчи моментини аниқлаш

Тирсакли валнинг исталган айланишлар сониди двигателнинг изланаётган унумли буровчи моменти қуйидаги ифода билан аниқланади;

$$M_{ex} = 9554 \cdot \frac{N_{ex}}{n_N}, \text{ Н·м} \quad (3)$$

$$M_{e1} = 9554 \cdot \frac{N_{e1}}{n_N} = 9554 \cdot \frac{6,63}{500} = 126,71 \text{ Н·м}$$

$$M_{e2} = 9554 \cdot \frac{N_{e2}}{n_N} = 9554 \cdot \frac{15,33}{1080} = 135,59 \text{ Н·м}$$

$$M_{e3} = 9554 \cdot \frac{N_{e3}}{n_N} = 9554 \cdot \frac{32,77}{2160} = 144,95 \text{ Н·м}$$

қолганларини шу тартибда ҳисобланади ва натижаларни 2-жадвалга тўлдирилади.

1.5. Двигателнинг унумли солиштирма ёнилғи сарфини аниқлаш.

Двигателнинг изланаётган унумли солиштирма ёнилғи сарфи қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$g_{\bar{e},x} = g_{\bar{e},N} \cdot \left[a - \epsilon \cdot \frac{n_x}{n_N} + c \left(\frac{n_x}{n_N} \right)^2 \right], \text{ г/кВт}\cdot\text{с} \quad (4)$$

бу ерда: a , ϵ , c - двигател турларини эътиборга олувчи коэффициентлар:

- карбюраторли двигателлар учун $a=1,2$; $\epsilon=1,0$; $c=0,8$;

- ёниш камераси ажратилмаган дизел двигателлар учун $a=1,55$; $\epsilon=1,55$; $c=1,0$;

Номинал қувватда ишлаётган двигателнинг унумли солиштирма ёнилғи сарфини – $g_{\bar{e},N}$, қуйидаги ифода билан аниқланади;

$$g_{\bar{e},N} = \frac{3,6 \cdot 10^3}{Q_n \cdot \eta_e}, \quad (5)$$

$$g_{\bar{e},N} = \frac{3,6 \cdot 10^3}{Q_n \cdot \eta_e} = \frac{3,6 \cdot 10^3}{43,93 \cdot 0,28} = 292,67 \text{ г/кВт}\cdot\text{с}$$

Q_n - ёнилғининг пастки иссиқлик бериш қобилияти:

- бензин ёнилғиси учун, $Q_n = 43,93$ МЖ/кг;

- дизел ёнилғиси учун, $Q_n = 42,50$ МЖ/кг;

η_e – двигателнинг унумли фойдали иш коэффициенти:

-карбюраторли двигател учун 0,25...0,33 га тенг ва ундан $\eta_e - 0,28$ қабул қиламиз

- дизел двигатели учун 0,35...0,40 га тенг

Аниқланган қийматларни (4) қўйиб карбюраторли двигателнинг изланаётган унумли солиштирма ёнилғи сарфи миқдорларини аниқлаймиз:

$$g_{\bar{e}1} = 292,67 \cdot \left[1,2 - \frac{500}{5400} + 0,8 \cdot \left(\frac{500}{5400} \right)^2 \right] = 326,12 \text{ г/кВт}\cdot\text{с}$$

$$g_{\bar{e}2} = 292,67 \cdot \left[1,2 - \frac{1080}{5400} + 0,8 \cdot \left(\frac{1080}{5400} \right)^2 \right] = 302,04 \text{ г/кВт}\cdot\text{с}$$

$$g_{\bar{e}3} = 292,67 \cdot \left[1,2 - \frac{2160}{5400} + 0,8 \cdot \left(\frac{2160}{5400} \right)^2 \right] = 271,60 \text{ г/кВт}\cdot\text{с}$$

$g_{\bar{e}}$ -нинг хоҳлаган қийматларини шу тартибда аниқланади ва 2-жадвалга тўлдирилади.

1.6. Двигателнинг соатли ёнилғи сарфини аниқлаш.

Двигателнинг изланаётган соатли ёнилғи сарфи қуйидаги ифода билан аниқланади

$$G_{\bar{e},x} = 10^{-3} \cdot g_{\bar{e},x} \cdot N_{ex}, \text{ кг/соат} \quad (5)$$

Юқорида аниқланган $g_{\bar{e}x}$ ва N_{ex} қийматларини (5) ифодани ўрнига қўйиб двигателнинг соатли ёнилғи сарфини аниқлаймиз:

$$G_{\varepsilon 1} = 10^{-3} \cdot 326,12 \cdot 6,63 = 2,16 \text{ кг/соат}$$

$$G_{\varepsilon 2} = 10^{-3} \cdot 302,04 \cdot 15,33 = 4,63 \text{ кг/соат}$$


$$G_{\varepsilon 2} = 10^{-3} \cdot 271,60 \cdot 32,77 = 8,9 \text{ кг/соат}$$

Юқорида аниқланган $N_{e,x}$, $M_{e,x}$, $g_{\varepsilon,x}$ ва $G_{\varepsilon,x}$ қийматларни 2 - жадвалга тўлдирилади.

2 - жадвал

№	Тирсакли вални айланишлар сони n_x , айл/мин	Ташқи тезлик тавсифноманинг кўрсаткичлари.			
		N_{ex} , (кВт)	M_{ex} , (Н·м)	$g_{\varepsilon x}$, (г/кВт·с)	$G_{\varepsilon x}$, (кг/соат)
1.	500	6,63	126,71	326,12	2,16
2.	1080	15,33	135,60	302,04	4,63
3.	2160	32,77	144,95	271,60	8,90
4.	3240	49,16	144,95	259,89	12,78
5.	4320	61,31	135,60	266,92	16,37
6.	4860	64,81	127,41	277,45	17,98
7.	5400	66,07	116,89	292,67	19,34
8.	5940	64,68	104,03	312,58	20,22
9.	6480	60,25	88,84	337,16	20,32

хисоблаб чиқарилган ва 2- жадвалда келтирилган кўрсаткичлар асосида автомобилни ташқи тезлик тавсифномани курилади (1-расм).



1- расм. Карбюраторли двигателнинг ташқи тезлик тавсифномаси графиги.

2. Шина танлаш ва ғилдирак радиусини аниқлаш.

2.1. Шина танлаш.

Шинани икки усулда танланади:

- протектор бўйича
- битта ғилдиракка тушган юк бўйича.

Битта орқа етакчи ғилдиракка тушган юк кучини қуйидагича аниқланади:

$$G_{\text{ет.кўп.туш.оз}} = \frac{G_{\text{етачи кўпик}}}{Z} = \frac{730}{2} = 3525,95 \text{ Н}$$

бу ерда: $G_{\text{ек}}$ – етакчи орқа кўприкка тушган куч, қиймати қуйидагича аниқланади:

$$G_{\text{ек}} = 0,512 \cdot G_a = 0,512 \cdot 13773 = 7052 \text{ Н}$$

Автомобил қисқа маълумотномаси (НИИАТ) дан 365 кг юкланишга тўғри келган 185/60R14H белгили шинани қабул қиламиз, бу ерда шина эни $b=185 \text{ мм}=0,185 \text{ м}$, диска тўғини кирадиган айлана диаметри $d=14''$ (дюм), 1дюм =25,4 мм га тенг $d = 14'' \cdot 25,4 = 355,6 \text{ мм} = 0,3556 \text{ м}$.

2.2. Етакчи ғилдиракнинг думалаш радиусини аниқлаш.

Етакчи ғилдиракнинг думалаш радиуси қуйдаги ифода билан аниқланади:

$$r_F = \left[\frac{d}{2} + b \cdot (1 - \lambda) \right], \text{ м} \quad (6)$$

бу ерда: d - диска кирадиган шина айланасининг диаметри,

$d= 0,3556 \text{ м}$, b - шина эни, $b= 0,185 \text{ м}$

λ - оғирлик кучи таъсирида шинанинг деформацияланиш (чўкиш)

коэффициенти:

- енгил автомобиллари учун $\lambda = 0,125 \div 0,15$.

хисоблаш учун $\lambda = 0,15$ ни қабул қиламиз.

- юк автомобиллари учун $\lambda = 0,09 \div 0,11$ қабул қилинади.

Қийматларни ўрнига қўйиб ғилдирак радиусини аниқлаймиз:

$$r_F = \left[\frac{0,3556}{2} + 0,185 \cdot (1 - 0,15) \right] = 0,335 \text{ м}$$

3. Куч узатманинг узатиш сонини аниқлаш.

3.1 Бош узатманинг узатиш сонини аниқлаш.

Бош узатманинг узатиш сонини қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$U_{\text{б.у}} = \frac{\pi \cdot n_N \cdot r_F}{30 \cdot V_{a \max}} = \frac{3,14 \cdot 5400 \cdot 0,335}{30 \cdot 43,33} = 4,37$$

бу ерда: n_N – тирсакли вални максимал айланишлар сони,

$n_N = 5400 \text{ айл/мин}$;

$V_{a \max}$ – автомобилни максимал юриш тезлиги, $V_{a \max} = 43,33 \text{ м/с}$.

3.2. Узатмалар қутисининг узатиш сонларини аниқлаш.

3.2.1 Биринчи узатманинг узатиш сонини аниқлаш.

Узатмалар қутисининг биринчи узатмадаги узатиш сони (U_I) ни аниқлашда автомобил ҳаракатининг иккита шартни қаноатлантирилиши лозим:

1-шарт: автомобил сирпанмасдан ҳаракатланиб, етакловчи ғилдиракка келтирилган максимал тортиш кучи, йўлнинг максимал қаршилик кучидан катта ёки тенг бўлиши керак, яъни:

$$P_{T \max} \geq P_{\varphi \max} \quad (7)$$

2-Шарт: автомобил шатаксирамасдан ҳаракатланиб, етакчи гилдиракка келтирилган максимал тортиш кучи гилдиракнинг йўл сирти билан максимал илашиш кучидан кичик ёки тенг бўлиши лозим, яъни:

$$P_{T \max} \leq P_{\varphi \max} \quad (8)$$

Биринчи шартга асосан автомобилни сирпанмасдан йўлни максимал қаршилигини енгиб ҳаракатланишини таъминлайдиган 1-узатмадаги узатиш сони қуйидагича аниқланади:

$$U_{1\varphi} = \frac{G_a \cdot \psi_{\max} \cdot r_f}{M_{e \max} \cdot \eta_{\kappa y} \cdot U_{\text{бу}}} \quad (9)$$

бу ерда, G_a - автомобилнинг тўла юки билан оғирлиги, $G_a=13773$ Н;

M_e -двигателни максимал буровчи моменти 1-жадвалдан

$M_e=144,95$ Н·м ни оламир.

$\psi_{\max}$ - йўлнинг максимал умумий қаршилиги

$$\psi_{\max} = f_{\max} \cdot \cos \alpha \cdot \sin \alpha = 0,0399 \cdot \cos 28^\circ + \sin 28^\circ = 0,50;$$

Автомобил максимал тезликда ҳаракатланганда йўлнинг қаршилиқ коэффициентини - $f_{\max}$ қуйидагича аниқланади:

$$f_{\max} = f_0 \cdot \left(1 + \frac{V_{a \max}^2}{1500} \right) = 0,018 \left(1 + \frac{43,33^2}{1500} \right) = 0,04$$

r_f - етакчи гилдиракнинг думалаш радиуси, $r_f=0,335$ м қийматларни ўрнига қўйиб биринчи узатмадаги узатиш сонини аниқлаймиз:

$$U_{1\varphi} = \frac{13773 \cdot 0,50 \cdot 0,335}{144,95 \cdot 0,92 \cdot 4,37} = 3,95$$

Икинчи шартга асосан автомобилнинг шатаксирамасдан ҳаракатланишини таъминлайдиган узатмалар кутисининг узатиш сони қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$U_{i\varphi} = \frac{G_a \cdot \psi \cdot m_2 \cdot r_f}{M_{e \max} \cdot \eta_{\kappa y} \cdot U_{\text{бу}}}; \quad (10)$$

бу ерда: m_1, m_2 - автомобилнинг олдинги ва кетинги ўқлардаги реакция кучларининг қайта тақсимланиш коэффициентлари.

φ - йўл сирти билан шина сирти орасидаги тишлашиш коэффициентини $\varphi=0,8$ га тенг

автомобил двигателининг максимал буровчи моментини 1-жадвалдан оламир $M_e=144,95$ Н·м

Олдинги кўприкка тушган оғирлик кучи

$$G_1 = G_a \cdot 0,48 = 13773 \cdot 0,48 = 6611,16 \text{ Н};$$

Кетинги етакчи кўприкка тушган оғирлик кучи

$$G_2 = G_a \cdot 0,52 = 13773 \cdot 0,52 = 7162,08 \text{ Н}.$$

Автомобилнинг оғирлик марказидан кетинги ғилдирак ўқиғача бўлган масофа қуйидагича аниқланади:

$$a = L \cdot \frac{G_2}{G_a} = 2,520 \cdot \frac{7162,08}{13773} = 1,31 \text{ м.}$$

Оғирлик марказидан олдинги ғилдираклар ўқиғача бўлган масофа

$$e = L \cdot \frac{G_1}{G_a} = 2,520 \cdot \frac{6611,16}{13773} = 1,21 \text{ м.}$$

Олдинги ва кетинги ғилдиракларга таъсир этувчи реакция кучлари;

$$R_1 = \frac{G_a \cdot e}{L} = \frac{13773 \cdot 1,21}{2,520} = 6611 \text{ Н;}$$

$$R_2 = \frac{G_a \cdot a}{L} = \frac{13773 \cdot 1,31}{2,520} = 7162 \text{ Н;}$$

бу ерда L -автомобилнинг базаси, $L=2,520$ м.

Реакция кучларининг қайта тақсимланиш коэффициентларини аниқлаймиз:

$$m_1 = \frac{R_1}{G_1} = \frac{6611}{6611,16} = 1,0; \quad m_2 = \frac{R_2}{G_2} = \frac{7162}{7162,08} = 1,0;$$

қийматларни ўрнига қўйиб иккинчи шартни узатиш сонини аниқлаймиз:

$$U_{I\varphi} = \frac{13773 \cdot 0,8 \cdot 1 \cdot 0,335}{144,95 \cdot 0,92 \cdot 4,37} = 6,32$$

хар икки $U_{I\varphi}$ ва U_I нинг сон қийматлари орасидаги биринчи узатманинг узатиш сони U_I , юқоридаги шартларни: $P_{\varphi\text{-max}} \geq P_{T\text{-max}} \geq P_{\varphi\text{-max}}$ ёки $U_{I\varphi} \geq U_I \geq U_{I\varphi}$ яъни $6,32 > 3,54 > 3,95$ қаноатлантиргани учун $U_I = 3,54$ ни қабул қиламиз.

Узатмалар қутисининг қолган узатмалар сони қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$U_{y.k} = {}^{n-1}\sqrt{U_I^{n-k}} \quad (11)$$

бу ерда, k - изланаётган узатма индекси,

n - узатмалар қутисидаги босқичлар сони, 1,2,3,4,5 ва бошқ.

Нексия автомобилига 5 босқичли (поғонали) узатмалар қутиси ўрнатилган, шунга кўра $n=5$ ни қабул қиламиз, қийматларни ўрнига қўйиб 1,2,3,4,5 узатмаларнинг узатиш сонини аниқлаймиз:

$$U_2 = {}^{5-1}\sqrt{3,54^{(5-2)}} = 2,58 \quad U_3 = {}^{5-1}\sqrt{3,54^{(5-3)}} = 1,88$$

$$U_4 = {}^{5-1}\sqrt{3,54^{(5-4)}} = 1,37 \quad U_5 = {}^{5-1}\sqrt{3,54^{(5-5)}} = 1,0$$

4. Автомобилни турли узатмада ҳаракатланиш тезлигини аниқлаш.

Автомобилни турли узатмада изланаётган ҳаракатланиш тезлиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$V_{a.y.k} = 0,377 \cdot \frac{n_x \cdot r_F}{U_{y.k.x} \cdot U_{6.y}} \quad (12)$$

Аниқланган n_x , r_f , $U_{y.k.x}$ ва $U_{6.y}$ қийматларини ўрнига қўйиб автомобилнинг ҳаракат тезликларини аниқлаймиз:

I-узатмада.

$$V_{a.I.1} = 0,377 \cdot \frac{500 \cdot 0,335}{3,54 \cdot 4,37} = 4,08 \text{ км/с}$$

$$V_{a.I.2} = 0,377 \cdot \frac{1080 \cdot 0,335}{3,54 \cdot 4,37} = 8,81 \text{ км/с}$$

$$V_{a.I.3} = 0,377 \cdot \frac{2160 \cdot 0,335}{3,54 \cdot 4,37} = 17,63 \text{ км/с}$$

II-узатмада.

$$V_{a.II.1} = 0,377 \cdot \frac{500 \cdot 0,335}{2,58 \cdot 4,37} = 5,60 \text{ км/с}$$

$$V_{a.II.2} = 0,377 \cdot \frac{1080 \cdot 0,335}{2,58 \cdot 4,37} = 12,09 \text{ км/с}$$

$$V_{a.II.3} = 0,377 \cdot \frac{2160 \cdot 0,335}{2,58 \cdot 4,37} = 24,18 \text{ км/с}$$

III-узатмада.

$$V_{a.III.1} = 0,377 \cdot \frac{500 \cdot 0,335}{1,88 \cdot 4,37} = 7,68 \text{ км/с}$$

$$V_{a.III.2} = 0,377 \cdot \frac{1080 \cdot 0,335}{1,88 \cdot 4,37} = 16,58 \text{ км/с}$$

$$V_{a.III.3} = 0,377 \cdot \frac{2160 \cdot 0,335}{1,88 \cdot 4,37} = 33,17 \text{ км/с}$$

IV-узатмада.

$$V_{a.IV.1} = 0,377 \cdot \frac{500 \cdot 0,335}{1,37 \cdot 4,37} = 10,53 \text{ км/с}$$

$$V_{a.IV.2} = 0,377 \cdot \frac{1080 \cdot 0,335}{1,37 \cdot 4,37} = 22,75 \text{ км/с}$$

$$V_{a.IV.3} = 0,377 \cdot \frac{2160 \cdot 0,335}{1,37 \cdot 4,37} = 45,49 \text{ км/с}$$

V-узатмада.

$$V_{a.V.1} = 0,377 \cdot \frac{500 \cdot 0,335}{1,0 \cdot 4,37} = 14,44 \text{ км/с}$$


$$V_{a.V.2} = 0,377 \cdot \frac{1080 \cdot 0,335}{1,0 \cdot 4,37} = 31,20 \text{ км/с}$$

$$V_{a.V.3} = 0,377 \cdot \frac{2160 \cdot 0,335}{1,0 \cdot 4,37} = 62,40 \text{ км/с}$$

I, II, III, IV, V узатмаларнинг қолган қийматларини аниқлаб, ҳамма натижаларини 3-жадвалга тўлдирилади ва график кўринишида чизилади 2-расм.

3 - жадвал.

Тирсакли валнинг айланишлар сони, n_x айл/мин	Автомобилнинг ҳаракатланиш тезликлари, V_a , км/соат				
	Узатмалар сони				
	$U_I=3,54$	$U_{II}=2,58$	$U_{III}=1,88$	$U_{IV}=1,37$	$U_V=1,0$
500	4,08	5,60	7,68	10,53	14,44
1080	8,81	12,09	16,58	22,75	31,20
2160	17,63	24,18	33,17	45,49	62,40
3240	26,44	36,27	49,75	68,24	93,60
4320	35,25	48,36	66,33	90,99	124,80
4860	39,66	54,40	74,62	102,36	140,40
5400	44,07	60,45	82,91	113,73	156,00
5940	48,48	66,49	91,21	125,11	171,60
6480	52,88	72,54	99,50	136,48	187,20



2-расм. Автомобилни турли узатмада ҳаракатланиш тезлиги графиги.

5. Автомобилга таъсир этувчи хавонинг қаршилик кучини аниқлаш.

Автомобил ҳар-хил тезликда ҳаракатланганда изланаётган хавонинг қаршилик кучи қуйидагича ифода билан аниқланади.

$$P_{w.x} = K \cdot F \cdot (0,277 \cdot V_{a.x})^2, \text{ Н} \quad (13)$$

бу ерда, K -хавонинг қаршилигини енгитиш коэффициентини

енгил автомобиллар учун; $K=0,20\div 0,35$

F - автомобилни олдидан қаралгандаги юзаси

енгил автомобил учун $F = 0,78 \cdot B_1 \cdot H$, м²

B_1 -автомобилнинг эни, м

H - автомобилнинг энг катта баландлиги, м;

$V_{a.x}$ - автомобилнинг хар-хил узатмадаги ҳаракат тезлиги, км/соат.

1 км/соат - 0,277м/с га тенг

Нексия автомобил учун $B_1=1,66$ м; $H=1,39$ м; $F=0,78\cdot 1,66\cdot 1,39=1,80$ м².

қийматларни ўрнига қўйиб автомобилни хар-хил ҳаракат тезлигида ҳосил бўлган ҳавонинг қаршилиқ кучини аниқлаймиз:

I-узатмадаги

$$P_{W.I.1} = 0,25 \cdot 1,80 \cdot (0,277 \cdot 4,08)^2 = 0,58 \text{ Н}$$

$$P_{W.I.2} = 0,25 \cdot 1,80 \cdot (0,277 \cdot 8,81)^2 = 2,69 \text{ Н}$$

$$P_{W.I.3} = 0,25 \cdot 1,80 \cdot (0,277 \cdot 17,63)^2 = 10,76 \text{ Н}$$

II-узатмада

$$P_{W.II.1} = 0,25 \cdot 1,80 \cdot (0,277 \cdot 5,60)^2 = 1,09 \text{ Н}$$

